

# **ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИНИНГ 2019-2020 ЎҚУВ ЙИЛИ (МАСОФАВИЙ ЎҚУВ) ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали фаолиятини ташкиллаштириш учун Вилоят ҳокими, ТСНҚИ, ОЎМТВ ва ССВ томонидан тасдиқланган “ТТА УФ юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича 2020 йил учун чора-тадбирлар дастурининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Филиал фаолияти 10 банд ва 54 бандости қисмлардан иборат бўлган йўл харитаси асосида олиб борилмоқда.

Ўқув базалари сифатида ТТА УФ бош биноси, клиникаси ва ВССБ қарашли 2 та марказлар, 3 та тиббиёт бирлашмалари, 2 та диспансерлар ва 3 та оиласий поликлиникалarda ташкиллаштирилган.

**Бош бинонинг техник холати.** Бош бино 2016 йил 15 ноябрда ишга туширилган. Майдони 39 768 м<sup>2</sup>, талаба кабул қилиш қуввати - 1500 талаба, кафедралар сони – 8 та, оиласий поликлиника модули, ошхона – 240 ўринли, ётоқхона – 230 ўринли, конгресс хол – 250 ўринли, оммавий тадбирлар зали - 180 ўринли, дистанцион маъруза эшлиши хоналари – 4 та. Аудиториялар сони 89 та, 55 та ўқув аудиториялари, 16 та маърузахона, 6 та лаборатория, 6 та лингафон хонаси 2 та компьютер хоналари, 1 та ёпиқ 2 та очик спорт майдончалари мавжуд.

**Ўқув, уқув-услубий жараённи шаклантириш.** Асосий иш ўрнида 255 (308) нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда: шундан, 10 ( 4%) нафар фан докторлари, профессорлар, 50 (20%) фан номзодлари, доцентлар: 36 (14%) катта ўқитувчилар ва 159 (62%) нафар асистентлар фаолият олиб бормоқдалар. Ўқув жараёнлари 7 та йўналиш бўйича: даволаш иши (811), педиатрия иши (269), касбий таълим (101), тиббий-профилактика (212), стоматология (91), ОХИ (69) ва РФ ОТМ билан ҳамкорликда ташкил қилинган КФУ-даволаш иши (29), ПТТУ-тиббий биология (26) йўналишлари 2 та факультетга бириктирилган холда ва 24 та кафедрада дарс жараёнлари ташкиллаштирилган. Жами талаблар сони 1608 нафар, шундан 268 нафари хорижий фуқаролар. Хорижий фуқаролар Туркманистон, Ҳиндистон, Кирғизистон, Покистон, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаларидан ташриф буюрганлар. 2019-2020 ўқув йили баҳорги семестрига қўшни давлатлардан 104 нафр талба ўқишини кўчириб келди.

Иккита йўналиш “Акушерлик ва гинекология” ва “Ички касалликлар” бўйича магистратура (12 нафар) ва 29 (107) та йўналиш бўйича ординатурада мутаххасисликлар бўйича таълим берилмоқда.

2020-2021 ўқув йилидан яна 2 та йўналиш бўйича “Асад касалликлари ва “Болалар жарроҳлиги” магистратура очилиши режага киргизилган. Хорижий ОТМ лар йўналишларини кенгайтириш мақсадида Приволжск тадқиқот тиббиёт

университети билан (Нижний Новгород) “Фармация” йўналишига 50 нафар талаба қабул қилиш режалатирилмоқда.

2019-2020 ўкув иили кузги семестр якунлари 2020 йил 20 январдан 30 январгача ўтказилди. Семестр якунлари бўйича 6 нафар талаба ўқищдан четлаштирилди, ўзлаштириш кўрсаткичи 98,5% сифат кўрсаткичи 80,9% ташкил қилди.

Кўшни давлатлардан кузги семестр якунлари бўйича талаблар ўқишини кўчириш бўйича Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан 104 нафар талаба - даволаш йўналиши бўйича 55 нафар, стоматология -36, педиатрия – 8 ва тиббий профилактика йўналишига 5 нафар талаба баҳорги семестрдан ўқишига қабул қилинди.

**Ахборот-ресурс маркази фаолияти.** Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот- ресурс марказининг умумий фонди 5333 номда, 60657 нусхада китоблар мавжуд. Жумладан:

- ўкув адабиётлар – 902 номда, 31531 нусхада(шундан хорижий ўкув адабиётлар – 224 номда, 7422 нусхада);
- илмий адабиётлар -380 номда, 5383 нусхада;
- бадиий адабиётлар -3511 номда, 14663 нусхада;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар- 540 номда, 9080 нусхада

Ахборот-ресурс марказида жами 22711 электрон ресурс мавжуд бўлиб, жумладан: дарсликлар – 2327, ўкув қўлланмалар, Бадиий ва илмий оммабоп ресурслар – 560, Хорижий адабиётлар – 920, Электрон ўкув-методик қўлланмалар – 853, Электрон ўкув-услубий мажмуалар – 862, Электрон кўргазмали материаллар – 8119, Мультимедиа дастурлари – 1369, Маъзуза матнлари 2319 тани ташкил этади. Ўкув адабиётлар билан таъминланганлик 96% ни ташкил этади.

Республика йигма электрон каталог бўйича – 2228 та библиографик ёзувлар киритилган. 2020 йил давомида фондда мавжуд китобларнинг электрон шаклга ўтказилганлик сони – 85та, журналлар сони – 35 тани ташкил қиласди. Ахборот-ресурс марказида янги келган ўкув адабиётлар доимий равишда электрон шаклга ўтказилади.

**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали илмий салоҳияти.** Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида 255 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда, жумладан, фан докторлари 10 нафар, фан номзодлари эса 50 нафарни ташкил этади. Илмий даражалилар 60 нафар (**илмий салоҳият 23,5%**). 2019-2020 йилда 4 нафар ходим фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қиласди. Ҳозирги кунда филиал илмий салоҳиятини ошириш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Филиалнинг 16 нафар ходими таянч докторантурада ( шулардан 2 нафари Россияда), 60 нафар ходими Республиkaning турли олий таълим муассасаларида мустақил изланувчилик институтларида таҳсил олмоқдалар, 3 нафари филиалда стажёр-тадқиқотчи. Жами 79 нафар ходим илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқдалар. 2020 йилда (2021 йил учун) таянч докторантурада ўқиш учун 23 ариза берилди. 2020 йил (15 апрелдан-15 майгача) мустақил изланувчиликка 9 талабгор онлайн хужжат топширди.

ТТА Урганч филиалини 2019-2022 йиллар бўйича илмий ишларни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган: 2020 йилда ҳимоя қиладиганлар сони – 12, 2021 йилда – 19 нафарни ташкил қиласди. Прогноз бўйича 2020 йилда кутилаётган илмий салоҳият – 31,7%, 2021 – 41,7%, 2022 – 70 % ташкил қиласди.

ТТА Урганч филиали профессор-ўқитувчилари томонидан 8 та амалий грант лойиҳалари ишлаб чиқилди ва инновацион ривожланиш вазирлигига топширилди. 24 кафедраларнинг ҳаммасидан ўқув йилининг охиригача хўжалик шартномалари орқали маблаг тушириш хакидаги кафолатлари олинди.

2019 йилда 6 та монография ва 2020 йилнинг шу давригача 2 та монография чоп этилди, 112 та хорижий журналларда, шу жумладан юқори рейтингларга кирувчи журналларда 68та ва ОАҚ рўйхатидаги журналларда 57 та мақолалар нашр қилинган. 1 та патент, 3 фойдали моделлар учун гувоҳномалар олинган. 2020 йилнинг шу кунигача жами 40 та хорижий мақола, республикада 64 та мақола нашр қилинди. Филиалда 12 нафар магистрант таҳсил олмоқда.

2019 йил 25 апрелда “Тиббиётнинг долзарб муаммолари” ТИЖ конференцияси, 2019 йил 20 майда “Метаболик синдром - муаммолар, ечимлар” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман, 2019 йил 24-25 октябрда «Тиббиётда миниинвазив технологиялар: кеча, бугун ва эртага. Муаммолар ҳамда ривожланиш истиқболлари» халқаро конференция ўтказилди. 2020 йил ноябрь ойида “Экология ва инсон саломатлиги” республика конференциясини ўтказиш режалаштирилган.

Филиалда 2020 йил апрель ойида 27 та мутахассислик бўйича жами 133 нафар клиник ординатор ўқиши тутатди, биринчи босқичда 107 нафар ординатор 29 та мутахассислик бўйича таълим олмоқдалар.

**Филиалда маънавий-маърифий ишларни амалга оширилиши.** 2019/2020 ўқув йилида филиал профессор-ўқитувчилари ҳамда фаол талаба – ёшлари “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд, Бухоро, Навоий, Хива ва Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида жойлашган И.В.Савицкий номидаги Санъат музейига ташриф буюрдилар

ТТА Урганч филиалининг “Қувноқлар ва зукколар” “Академия” жамоаси саралаш ва чорак финалларда ғолибликни қўлга киритиб 2019 йилнинг 16 ноябрь санасида Республика ярим финал босқичида муносиб иштирок этиб кайтишди.

Худудий ва минтақавий босқичларда ғолиб бўлган ТТА Урганч филиали “Кўзмунчоқ” талабалар театр студияси жамоаси, 2019 йил 16 декабрь санасида Республика финал босқичида иштирок этиб фаҳирли 3- ўринни қўлга киритишди.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида 2019 йил май ойидан бугунги кунгача 180 дан ортиқ тадбирлар, шундан: 53 та профилактик тадбир, 80 та давра сухбати, 10 та рейд тадбирлари, 100 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Филиалда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари “Заковат” интелектуал танлови ташкил қилингган.

Факультет талаба ёшлари ўртасида мунтазам равишида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик танлови ўтказилиб келингган.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича 86 та турли тадбирлар, жумладан, 30 дан ортиқ тадбирлар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида давра сұхбатлари, 27 та директор ва талабалар учрашуви, 7 та иншолар танлови, 7 та расмлар ва плакатлар танлови, 8 та мақолалар танлови, 3 та сўровномалар ўтказилган.

**Талабалар турар жойларида 5 та ташаббус доирасида ҳар бир ташаббусга мослаштирилган хоналар ташкил этилган.**

Ташаббус доирасида 2019-2020 ўқув йилида талабалар бўш вақтини самарали ташкил қилиш мақсадида филиалда жами 36 та тўгарак: шундан 29 та фан тўгараги, 3 та маънавий маърифий тўгарак ва 4 та спорт тўгараклари ташкил қилингган ва уларга филиалнинг 1200 дан ортиқ талаба-ёшлар қамраб олинган.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида ёшлар ўртасида Талабалар турар жойида “Ёш психологлар” номли маънавий-маърифий тўгарак, “Инглиз тили”, “Ёш терапевтлар”, “Ёш биологлар” номли фан тўгараклари, “Атлетик гимнастика”, ”Волейбол” ва “Минифутбол” номли спортсоғломлаштириш тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган.

2019-2020 йилда йилда китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида “Фаол китобхон” лойиҳаси ташкил этилди. Унда 2 та факультетдан 400 дан ортиқ талабалар қамраб олинди.

Маънавий-маърифий дастурлар доирасида ўтказилган тадбирлар тўғрисидаги тафсилотлар мунтазам равишида оммавий ахборот воситаларида жумладан, “Ўзбекистон 24”, “Хоразм”, телеканаллари ҳамда Fikr.uz, Utube.uz, edu.uz сайтларига ҳамда филиалнинг веб-сайти [www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)

**ТТА УФ нинг 2020-2021 ўқув йилидаги асосий стратегик йуналишлари.**

1. 2020 йил 7 апрелдаги ПК 4666 бўйича “Жарроҳлик” мутаххислиги бўйича Ихтисослаштирилган Кенгаш очиш режалаштирилган.

2. 2020 йил охиригача 12 нафар ходим Phd диссертациясини химоя килиши керак.

3. Виварий, симуляцион марказ хоналарини йил охиригача фойдаланишга топшириш

4. 2020-2021 ўқув йилида ПТТУ “Фармация” йўналишига 50 нафар талаба қабул қилиш

5. 2020-2021 ўқув йилидан яна 2 та йўналиш бўйича “Асаб касалликлари” ва “Болалар жарроҳлиги” бўйича магистратура очиш

6. 2020 йил охиригача 1000 ўринга мўлжалланган ТТЖ лойихасини тақдим қилиш.

7. 2020-2021 ўқув йили бошидан Хорижлик талабалар факультетини ташкиллаштириш.

8 Халқ табобати йуналиши фаолиятини йўлга қўйиш ва 2020-2021 ўқув йилидан 25 нафар талаба қабул қилиш.

**Директор**

**Р.Ю. Рузибаев**